

SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL OF
«SCIENTIFIC PROGRESS»
ISSN: 2181-1601

THE 21st CENTURY SKILLS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY

PROCEEDINGS OF THE 12th INTERNATIONAL
SCIENTIFIC-PRACTICAL DISTANCE CONFERENCE



www.scientificprogress.uz

TASHKENT, UZBEKISTAN
2021, DECEMBER 28

ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА АЗОТЛИ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ КУЗГИ АРПА УРУҒЛАРИНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Яркулова З.Р.

Ўқитувчи, Бухоро давлат университети

Аннотация. Кузги арпадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда уни оптимал муддатларда экиш ва ўғитлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада Қашқадарё воҳаси шароитида суғориладиган ерларда кузги арпа уруғларини тўла ва қийғос ундириб олиш ўрганилган.

Калит сўзлар: арпа, кузги арпа, экиш муддатлари, минерал ўғит, меъёр, вариантлар, нав, ҳосилдорлик, дон.

Арпа ҳар бир минтақанинг табиий иқлим шароити учун энг мақбул муддатларда экилиши керак. Арпа экиш меъёри минтақа шароити, навнинг биологик хусусияти, уруғнинг йириклиги (1000 донасининг вазни) каби кўрсаткичлари, қолаверса, уруғликнинг экишга яроқлилиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Суғориладиган ерларда экиш меъёри гектарига 4 - 4,5 млн дона ҳисобида бўлиши яхши натижа беради. Нам ерларда арпа экилиши билан эгатлари орқали суғорилиши, бунда суғориш меъёри 1000 м³ бўлиши, кейинги ўсув даврида эса (тупланиш, бошоқланиш ёки най ўраш, бошоқланиш, сут пишиш даврларида) 780 - 850 м³ бўлиши самаралидир.

Арпа азотли ўғитларга жуда талабчан бўлади. Азотли ўғит белгиланган меъёрда берилганда ҳосилдорликни ошиши ва оқсилни 0,3 - 0,6 % га ортишига олиб келади. Арпа экини ўғитга талабчан бўлиб, сувли ерларда ўғитнинг самарадорлиги юқори бўлиб, ҳосилни оширишда ижобий таъсир кўрсатади. Кузда органик минерал ўғитлар ерга солиниб, ўсув даврида минерал ўғитлар билан озиклантириш самарадорлиги юқори. Суғориладиган ерларнинг ҳар

гектарига 20 тонна гўнг, 180 - 200 кг таъсир этувчи мода ҳисобида азот ва фосфор, ҳамда 80 - 100 кг калий ўғитлари берилиши лозим. Органик ўғит фосфор ва калийни ҳамда азотни 35 - 40 килограмми биргаликда кузда ерни ҳайдашдан олдин далага сочилади.

Арпага юқоридаги миқдорда органик ўғит ерга солиш имконияти бўлмаса, кузда камида 5 тонна гўнг қўлланилиши керак. Намлик кўп бўлган ерларда арпани ўсув даврида (айниқса, ўсимлик тупланиш ва най ўраш даврида) камида икки мартаба азотли ўғит билан озиклантириш ҳосилдорликни оширишда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича экиш муддатлари кузги арпани «Мавлоно» навининг дала унувчанлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Экиш муддатларининг кечикиши билан кузги АРПА уруғларининг дала унувчанлиги пасайиб бориш қонунияти кузатилди. Кузги арпа 1-октябрда экилганда 1м²да униб чиққан ўсимликлар сони ўртача 450,5 тани ёки 90,0 % бўлса, 15-ноябрда экилганда бу кўрсаткичлар мос равишда 394,8 ва 78,0% ни ташкил қилди. Азотли ўғитлар, кузги арпа уруғларининг дала унувчанлигига сезиларли таъсир кўрсатмади.

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё воҳаси шароитида суғориладиган ерларда кузги арпа уруғларини тўла ва қийғос ундириб олиш учун экишни 1 – 16 октябрдан кечиктирмасдан экиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халилов Н., Хужамкулов К. Зависимость урожайности озимого ячменя от сроков посева и нормы высева при поливе. *Зерновое хозяйство*, 2006, №2, с.19.
2. Шевцов, В.М. Влияние сроков сева и норм высева на урожайность новых сортов озимого ячменя // Сб. науч. тр. КНИИСХ. Краснодар, 1975. - С. 173 - 190.
3. Шевцов, В.М. Влияние некоторых приемов агротехники на зимо стойкость озимого ячменя// Селекция и сортовая агротехника зерновых культур. — М., 1980.-С. 193-197.

CONTENTS

Атабоев Ахаджон Джумақўзиевич

Ўзбек тилидаги эргаштирувчи боғловчиларнинг инглиз тилига таржимаси (pp. 4-8)

Ne'matullayev Abdunosir

Zamonaviy hikoyalarda tarixiy mavzuning yoritilishi (pp. 9-11)

Talipova Gulnoza Davron qizi

Umumta'lim muassasalarida axborot xavfsizligini o'qitish (pp. 12-14)

Матниязова Азиза Бахтиёровна

Особенности развития мелкой моторики у детей дошкольного возраста (pp. 15-19)

Sindarov Feruz Xaldarovich

Fransuzcha frazeologik birliklarda inson ichki kechinmalarining ifodalanishi (pp. 20-24)

Шадиева М.С., Абдужабарова З.М.

Гастродуоденальная патология у детей (pp. 25-28)

Пулатова М.И., Хамраева З.Х.

Геометрический смысл коэффициентов фурье и экстримальные свойства функции Z^k (pp. 29-30)

Яркулова З.Р.

Экиш муддатлари ва азотли ўғит меъёрларининг кузги арпа уруғларининг дала унувчанлигига таъсири (pp. 31-32)

Nafasov Mirzomurod Muxamadovich

Mobil ilovalardan ta'lim jarayonida foydalanish (pp. 33-35)

Amanbayeva Dilnoza Saparbayevna

Informatika fanini o'rganishda ijtimoiy media marketing (SMM) platformalaridan oqilona foydalanish (pp. 36-39)

Ravshanov Umidjon Xalil o'g'li, Abdirimov Asadbek Erkin o'g'li

Temir-betonning qarshlik nazariyasi va konstruksiyasi yaqinda ma'lumot (pp. 40-43)

Babajanova Fotima Farmanovna

O'qituvchi shaxsi va uning pedagogik qobiliyatlari (pp. 44-47)

Maxmudova Xurshida Irgashevna, Unarova Hafiza Abdumannonovna,

Mamatqulova Bo'ston Aminovna

“Boburnoma”da bioxilma-xillik va uning ekologik tarbiyadagi roli (pp. 48-51)

Nazarova Ozoda Tashnazarovna

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim asosida kimyo darslarini tashkil qilish (pp. 52-54)

Dostova Yulduzxon Ostanaqulovna

Ta'lim sharoitida ona tilini o'zlashtirish qonuniyatlari (pp. 55-58)

Eshchanov Yashnarbek Bahodir o'g'li

Fizika darslarida integratsiya xususiyatlaridan foydalanib darslarni tashkil etish (pp. 59-62)

Fayziyeva Aziza Anvarovna

Shaxsiy rivojlanishga oid asarlar va ularning tarjimasi xususida (pp. 63-67)

Inoyatxon Arzimatova, Havasxon Arabxonova

Cultural improvement factor to increase the efficiency of reforms (pp. 68-71)
